

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ
ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ИСАКОВА МУХАЁ СРАЖИДИНОВНА

**ХІХ АСР ОХИРИ – ХХІ АСР БОШЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА АРХИВ ИШИНІНГ ШАҚЛЛАНИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук
Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Исакова Мухаё Сраждиновна

XIX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда
архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши.....3

Исакова Мухаё Сраждиновна

Становление и развитие архивного дела в Узбекистане
в конце XIX – начале XXI вв.31

Isakova Mukhayo

The establishment and development of archival affairs in Uzbekistan
at the end of the XIX – beginning of XXI centuries.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ
ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ИСАКОВА МУХАЁ СРАЖИДИНОВНА

**ХІХ АСР ОХИРИ – ХХІ АСР БОШЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА АРХИВ ИШИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.DSc/Tar41 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tarix.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов А.Н.
тарих фанлари доктори, профессор
Хасанов Б.В.
тарих фанлари доктори
Хайитов Ш.А.
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2 қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов
Илмий даражаларни берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э. Юнусова
Илмий даражаларни берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Б. Шадманова
Илмий даражаларни берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларида турли давлатлар интеллектуал салоҳиятининг муҳим бўғини бўлган архивларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда Халқаро архивлар Кенгаши ¹ томонидан турли минтақалар архивларининг тарихи, фаолияти, соҳадаги илғор тажрибаларни кенг кўламда тарғиб этиш ҳамда жамиятнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, архив ҳужжатлари сақловини самарали ташкил этишга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг “Жаҳон хотираси” Дастури ² доирасида дунёда ноёб ҳужжатли меросга эга бўлган архивларни аниқлаш ва махсус рўйхатга киритишда архив иши тарихига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо бу йўналишга оид изланишлар санокли бўлиб, энг кам ўрганилган соҳалардан бири саналади. Бу эса минтақаларда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича махсус тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда.

Мустақиллик йилларида қарийб уч минг йиллик тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган ўзбек давлатчилиқ тарихини тадқиқ этиш, уни янги методологик ёндашувлар ва бирламчи манбаларга асосланиб ёритиш нафақат тарих фани, балки жамият маънавиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда Ўзбекистонда кўп асрлик тарихга эга бўлган архив ишини янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалаларидан бирига айланиб, бу борада туб ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, архив ишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари тубдан янгиланди, архивларнинг моддий-техник таъминотини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари асосида 20 дан ортиқ янги бинолар қурилиб, бир қатор архив бинолари реконструкция қилинди, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими яратилди. Бугунги кун талаби архив ишида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб қўйилган илмий-маърифий муассаса бўлган архивлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётда қўллашнинг самарали механизмларини яратиш”³ каби муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

¹ Халқаро Архивлар Кенгаши (ICA) 1948 йил 9 июнда ташкил этилган. Штаб-квартираси Францияда. Кенгаш бутун дунё архив меросини сақлаш, ривожлантириш ва ундан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича ишларни амалга оширади. <https://www.ica.org>.

² ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон ҳужжатли меросини муҳофаза қилиш “Жаҳон хотираси” (*Memory of the World*) Дастури 1992 йилда таъсис этилган. 1997 йилдан ҳужжатли меросни халқаро, минтақавий ва ҳудудий миқёсларда қайд этиш реестрлари юритилади. <http://en.unesco.org/programme/mow>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1 иловасида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. <http://strategy.regulation.gov.uz>

Жаҳон амалиётида архив ишини самарали ташкил этиш бўйича бир қатор масалалар ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, архивлар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш сифатини юксалтириш; юридик ва жисмоний шахсларнинг архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятини ошириш; ахборот тақдим этиш ва олишда хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Бу эса улкан тарихий, маданий меросни сақлаш ва ундан фойдаланишдаги ислоҳотлар негизини аниқлаш ҳамда республика архив тизимини янада такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини белгилашга қаратилган назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни (2010), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги 1730-сон “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори; Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2008 йил 26 августдаги 194-сон “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Дунё архивлари меросини ўрганиш, уни манбашунослик нуқтаи назардан баҳолашга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute of Oriental Studies at Martin Luther University (Германия), Centre for Russia and Eurasian Studies at Harvard University (АҚШ), Faculty of History of Carlton college (АҚШ), Society of American Archivists, Association des Archivistes Francais, National Archive of Korea, Бутунроссия ҳужжатшунослик ва архив иши илмий тадқиқот

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.iaaw.hu-berlin.de/>; <https://www.apps.carleton.edu/>; <http://www.cambridge-centralasia.org/>; <http://www.igh.ru/>; <http://www.archivistes.org/>; <http://www.archives.go.kr/>; <https://www.vniidad.ru/>; <http://rsuh.ru/iai> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

институти (Россия), Россия Давлат гуманитар университетининг Тарих-архив институти (Россия), Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Архив манбашунослиги, хужжатшунослик, архившуносликка оид тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: архивлар тизими, уларда сақланаётган қадимги шарқ, хусусан, форс, араб ва чиғатой тилларидаги ноёб архив хужжатлар аниқланиб, шарқ мамлакатларининг ижтимоий тарихи ёритиб берилган (Institute of Oriental Studies at Martin Luther University, Германия); Марказий Осиё тарихига доир архив манбашунослигини ривожлантириш, хусусан, давлат ва идоравий архивларда сақланаётган кам ўрганилган хужжатларни аниқлаш ва илмий истеъмолга киритиш, хужжатларнинг ички ва ташқи тузилиш хусусиятлари каби масалалар илмий асосланган (Faculty of History of Carlton college, АҚШ); совет давридаги архив ишини марказлаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари, архивларнинг “ёпиқ” муассасаларга айлантирилганлиги ва мустақил фаолияти чекланганлиги илмий асослаб берилган (Centre for Russia and Eurasian Studies at Harvard University, АҚШ); замонавий архивлар тизими ва менежментини такомиллаштириш, архив қонунчилигини ислоҳ этиш, архив ишини ахборотлаштириш ва модернизациялаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, архив эвристикаси, хужжатлардан фойдаланиш этикаси масалалари бўйича асосланган назарий тавсиялар ишлаб чиқилган (Society of American Archivists, Association des Archivistes Francais, National Archive of Korea, Россиядаги Бутунроссия хужжатшунослик ва архив иши илмий тадқиқот институти, Россия Давлат гуманитар университетининг Тарих-архив институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти).

Дунёда замонавий архив ишини янада ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: хужжат юритиш ва расмийлаштириш аънанаси ҳамда уларни сақлаш амалиётидаги трансформацион жараёнлар; архив хужжатларини жамлаш, сақлаш ва фойдаланишдаги инновациялар; ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг хужжатларни сақлаш маданиятига таъсири; архивларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини тарихий-маданий жараёнлар контекстида аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда архивлар фаолияти ва ривожланиши тарихига оид тадқиқотларни концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, даврий ва муаммовий тамойиллар асосида қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин:

- 1) мустамлака даври нашрлари;
- 2) совет давридаги илмий изланишлар;
- 3) мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар;
- 4) хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари.

Мустамлака даври нашрларида архивларни Ғарб андозаси бўйича марказлаштириш, Ўрта Осиё хонликларининг сарой архивлари тақдири ва ўлка

архивлари ҳолати каби масалалар кўтарилган бўлса⁵, совет даврига оид тадқиқотларда архив ишини ташкил этишнинг назарий, услубий ва ташкилий масалалари ҳамда архив фондларини ўрганиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди⁶. Ўзбекистонда архив иши бўйича биринчи маълумотнома яратилди⁷.

Илк бор архив ҳужжатларини нашр этиш масалаларини тадқиқотчилар П.П.Иванов⁸ ва М.Й.Йўлдошев⁹ тадқиқ этди. Ўрта Осиё дипломатикаси ва археографияси масалаларига оид А.Семенов¹⁰ ва О.Чехович¹¹ ларнинг нашрларини қайд этиш лозим. Улар Ўрта Осиё тарихига доир янги архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритиш масаласини ўрганган.

Мустақиллик йилларида архивлар тарихини ўрганишда янгича услубий ва концептуал ёндашувлар шаклланди. Г.Тилеукулов¹², И.Алимов¹³, В.Иофе¹⁴, Д.Алимова¹⁵ ва В. Германов¹⁶ каби олимлар Ўзбекистонда архив иши тарихи, ҳолати ва ривожланишига бағишланган тадқиқотларида ушбу масалалар таҳлилига янгича ёндашув асосида баҳо берганлар.

⁵ Самоквасов Д.Я. Централизация государственных архивов Западной Европы в связи с архивной реформой в России. – М., 1899; Воронов А.П. Архивоведение. – СПб, 1904. – 51 с; Кун А. Описание печатей хивинских ханов. // Туркестанские ведомости, 1873. №40; Ўша муаллиф. Научные работы во время Хивинского похода. // Туркестанские ведомости, 1873. №50; Пантусов Н.Н. Архив Кокандского хана // Туркестанские ведомости, 17 февраля 1876. №12; Добросмыслов А.И. Центральный архив. // Туркестанские ведомости, 15 ноября 1909 г.; Ўша муаллиф. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – С.7; Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Уездное управление. СПб, 1910. – С 127-128; Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестанский край летом 1916 г. / Сочинения. Т.8. Работы по источниковедению. – М.: Наука, 1973. – С. 338.

⁶ Изаксон М. Национальные фонды Центрального архива УзССР в Ташкенте. // Библиография Востока. – Ленинград, 1932. – №1. – С. 55-72; Первышев И. О документальной базе для историографии феодальной формации в Средней Азии. // Революция и культура в Средней Азии. Сборник первый. – Ташкент, 1934. – С. 106-111.

⁷ Алимов И.А., Мирзабаев А.А. Справочник по архивному делу в Узбекистане (1918-1968 гг.). – Т.: Узгипрозем, 1970. – 75 с.

⁸ Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. – Ленинград, 1940. – 273 с.

⁹ Юлдашев М.Ю. Новые архивные источники по истории Средней Азии // Краткие сообщения ИВ АН СССР. – М., 1951. Вып. 1. – С. 35-41; Ўша муаллиф. Государственный архив феодальной Хивы XIX в. // Доклады советской делегации на XXIII Международном конгрессе востоковедов. Секция Ирана, Армении и Средней Азии. – М., 1954. – С. 209-220; Ўша муаллиф. Некоторые выводы из анализа документов государственного архива Хивинских ханов XIX в. // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. – Ташкент, 1958. - №1. – С. 5-11; Его же. Хива хонлигида ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1959. – 401 б.

¹⁰ Семенов А.А. Роль Средней Азии в распространении материальных и духовных ценностей. // Материалы первой всесоюзной научной конференции в г. Ташкенте «Исторические, экономические и культурные связи народов Востока». – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958. – С. 347- 352; Ўша муаллиф, ўша манба. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения. – С. 912- 920.

¹¹ Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики. // Народы Азии и Африки. – М., 1969. - №4. – С. 80-84.

¹² Тилеукулов Г.С. Архивное дело в Узбекистане (1918-1980 гг.): опыт и проблемы. Дисс... канд. ист. наук – Ташкент: ТашГУ, 1995. – 170 с

¹³ Алимов И.А. Архивоведение. – Андижан, 2005. – 73 с.

¹⁴ Иофе В.Г. Некоторые вопросы истории архивов ханств Средней Азии (XIX – начало XX вв.) // “Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари” илмий мақолалар тўплами. 2-сон – Ташкент, 2011. – С. 85-92; Ўша муаллиф. Архивы в Туркестанском крае (вторая половина XIX – начало XX вв.) // Отечественные архивы. – Москва, 2009. - №6. – С. 3-7; Ўша муаллиф. Архивоведческие исследования в Узбекистане в постсоветский период. // Отечественные архивы. – Москва, 2007. - №6. – С. 79-84.

¹⁵ Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Лойиха раҳбари, маъсул муҳаррир: Д.А. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.

¹⁶ Германов В.А. Россия – государства Средней Азии: перемещение или обмен культурными ценностями во второй половине XIX – начале XX вв.? (К вопросу об этнокультурном диалоге на примере Узбекистана) // Материалы международной конференции «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации». – Бишкек, 2007. – С. 28-32.

Архивлар фаолияти билан боғлиқ масалалар республика ва халқаро анжуманларда ҳам олимлар эътиборида бўлмоқда¹⁷.

Хорижий тадқиқотчилар: П.Кеннеди¹⁸, К.Эванс¹⁹, Ж.Сахадео²⁰, С.Горшенина²¹, А.Халид²², Ж.Пиккетт²³, П.Сартори²⁴, А.Морисон²⁵, М.Крамер²⁶ ва бошқаларнинг ишларида империя архивлари ташкил этилишининг мустамлака моҳияти, архив ишини марказлаштиришдаги совет сиёсати ва унинг оқибатлари, мустақил Ўзбекистонда архив хужжатларидан фойдаланиш масалалари, шунингдек, Ўрта Осиё тарихини тадқиқ этишда архив материалларини аниқлаш, уларнинг манбашунослик таҳлили каби масалалар очиб берилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда архив иши тарихининг айрим масалаларига эътибор қаратилган. Бу ҳолат республика архив ишини босқичма-босқич ёритиш ва яхлит тадқиқ этишга қаратилган изланишлар санокчилиги ҳамда танланган мавзу кам ўрганилган соҳалардан эканлигини кўрсатмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА-4-08 “Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондлари” (2010-2011) ёшлар амалий ҳамда Ф1-ФА-0-11986 «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)» (2011-2016) фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

¹⁷ Историческая наука и архивное дело: проблемы интеграции // Сборник материалов Республиканского научного семинара им. академика Я.Г. Гулямова «История узбекского народа и его государственности». – Ташкент: Фан, 2010. – 277 с.; Информационно-библиотечные ресурсы в науке, образовании, культуре и бизнесе // Сборники материалов IV, V, VI международной конференции «Central Asia». – Ташкент, 2006. – 300 с., 2008 – 348 с., 2010 – 400 с.; 2013– 350 с, 2016 – 340 с.

¹⁸ Grimsted P.K. Lenin’s Archival Decree of 1918: The Bolshevik Legacy for Soviet Theory and Practice. // *American archivist*. Vol. 45. – №4. – P. 429; Ibid. Regional Archival Development in the USSR: Soviet Standards and National Documentary Legacies // *American Archivist*, January 1973. – P. 43-66.

¹⁹ Evans C. Research condition in Uzbekistan: Archival Access and Conditions in Samarqand // *Central Eurasian Studies Review*, 2003. Vol.2. – №3 – P.17.

²⁰ Sahadeo J. “Without Past there is no Future”: Archives, History and authority in Uzbekistan. / *Archives story: Facts, fictions, and writing history*. – London, 2005. – P. 45-67.

²¹ Горшенина С. Крупнейшие проекты колониальных архивов России: утопичность тотальной туркестаники генерал-губернатора Константина Петровича фон Кауфмана. // *Ab Imperio*, 2007. – №3. – С. 1-64; Ее же. Извечна ли маргинальность русского колониального Туркестана, или войдет ли постсоветская Средняя Азия в область Post-исследований. // *Ab Imperio*, 2007. – №2. – С. 209-258.

²² Khalid A. Recent work in archives in Uzbekistan and Russia. // *Central Eurasian Studies Review*, 2002. Vol. 1, No.1. – P.18-19. Ibid. Searching for Muslim Voices in post-soviet archives // *Ab Imperio*, 2008. – №4. – P. 302-312

²³ Pickett J. The Persianate Sphere during the Age of Empires. A Dissertation Presented to the Faculty of Princeton University in Candidacy for the Degree of Doctor of Philosophy. June 2015. – P.35-37.

²⁴ Sartori P. Visions of Justice: Sharia and Cultural Change in Russian Central Asia. –Brill, 2016; Ibid. “Seeing Like a Khanate: On Archives, Cultures of Documentation, and 19th Century Khorezm,” *Journal of Persianate Studies* 9/2 (2016). – P.228-257; Ibid. Murder in Magishlaq: Notes on an Instance of Application of Qazaq Customary Law in Khiva (1895) // *Der Islam*, 88 (2012), pp. 217-257.

²⁵ Morrison A. “Archives: Central Asia”, in: *Encyclopaedia of Islam, THREE*, Edited by Kate Fleet, Gudrun Krämer, Denis Matringe, John Nawas, Everett Rowson. Consulted online on 22 September 2016 <http://dx.doi.org/10.1163/1573-3912_ei3_COM_24236>. First published online: 2016; Ibid. Russian rule in Samakand 1865-1910. A Comparison with British India. – USA: Oxford University Press, 2008. – 395 p.

²⁶ Kramer M, “Archival Policies and Historical Memory in the Post-Soviet Era,” *Demokratizatsiya* 20, no. 3 (2012): 213, <http://search.proquest.com/docview/1350372857>

Тадқиқотнинг мақсади республикада архив ишини ташкил этиш ва ислоҳ қилиш жараёнлари ҳамда замонавий архив тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари Ўзбекистонда иш юритиш ва ҳужжатларни сақлаш тизимининг шаклланиши, сарой архивларнинг тарихи ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

XIX аср охири – XX асрларда идоравий архивлар тизимининг шаклланиши, архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш сиёсатининг моҳияти ва хусусиятларини ёритиб бериш;

архив иши қонунчилигининг ривожланиш тарихи ва истиқболларини тадқиқ этиш;

мустақиллик йилларида архив иши ва мутахассислар тайёрлаш масалаларини таҳлил этиш;

республика архив муассасаларининг халқаро тизимга интеграциялашувини таҳлил қилиш орқали глобаллашув жараёнининг Ўзбекистон архив соҳаси такомиллашувига таъсирини кўрсатиб бериш;

архивлар фаолиятига оид қабул қилинган ислоҳотлар дастури ва уларнинг амалиётга жорий этилишини танқидий ўрганиш;

архив ишида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларини таҳлил қилиш;

республикада архивлар фаолияти ва архив ишини ривожлантириш истиқболларини таҳлил этиш асосида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети иш юритиш анъанаси ва архив ишининг шаклланиши, турли тарихий босқичлардаги ўзига хос ривожланиш хусусиятлари, соҳадаги ислоҳотлар, архивлар фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, статистик таҳлил тамойиллари ҳамда қиёсий, муаммовий-даврий ёндашиш асосидаги таҳлил усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳужжатларни сақлаш бўйича архив амалиёти замонавий Ўзбекистон ҳудудида сарой архивлари кўринишида илк давлатчилик даврларидан бошлаб мавжуд бўлганлиги ва анъанавий тарзда ўзгариб борганлиги тарихий далиллар билан исботланган;

совет даврида архив ишини марказлаштириш сиёсати оқибатида собиқ иттифокдаги барча республикалар қатори Ўзбекистонда архивлар фаолияти катъий режалар асосида чекланганлиги, ҳужжатлардан тадқиқот ишларида фойдаланиш мураккаблашиб, сиёсий вазифалари кучайиб борганлиги, натижада муҳим ижтимоий институт бўлган архивларнинг нуфузи пасайиб кетганлиги аниқланган;

мустақил Ўзбекистонда архив иши соҳасидаги давлат сиёсати, ислоҳотлар моҳияти ва уларнинг натижалари ёритиб берилган;

юримдик ва жисмоний шахслар муружаатларини бажариш, жумладан, архивларда аҳолига хизмат кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий сўровларни бажаришни ўз вақтида, сифатли ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни такомиллаштириш, хусусан, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари фаолиятини қайта ташкил этиш зарурати сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар билан узвий боғлиқликда асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

архив иши соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар киритишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда архив ишини янада такомиллаштириш, хусусан, архив ишига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, кадрлар тайёрлашда фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, мустақиллик даври ҳужжатларини архивлаштириш ҳамда самарали сақловини ташкил этиш механизмини ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилгани, бирламчи манбаларга асосланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларни республика архив ишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, уни модернизация қилиш, меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, соҳа бўйича мутахассислар тайёрлашга оид назарий хулосалар ҳамда янги услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини тадқиқ этишга, уни асраш ва бойитиб боришга қаратилган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига, шунингдек, архив ишини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, назарий-илмий асосларини яратиш ҳамда ўрта махсус ва олий таълим муассасаларидаги архившунослик бўйича янги ўқув курсларда фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўрта Осиё давлатларида ҳужжат юритиш ва ҳужжатларни сақлаш анъаналари, архивларни ҳужжатлар билан жамлаш эволюциясига доир илмий хулосалар Мартин Лютер университетининг Шарқшунослик институти (Германия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳамкорлигида амалга оширилган ФТК – 06/2011 «Архивлар овози: Ўрта Осиёнинг совет давригача бўлган ижтимоий тарихдан очерклар» мавзусидаги халқаро илмий лойиҳада

фойдаланилган («Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 20 декабрдаги 01-26/1229-сон далолатномаси). Бу архив иши соҳасидаги тадқиқот усулларини бойитиш, архившунослик, тарих ва манбашунослик соҳаларида қўлланилаётган назарий ёндашув ва ишланмалар билан алмашиш ҳамда республика архив мероси тўғрисидаги билимларни янада ошириш имконини берган;

замонавий архивларнинг тузилиши, бошқарув тизими ва республика марказий давлат архивларининг илмий маълумотнома аппаратининг ўзига хос жиҳатларини очиб берувчи илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги «Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда Корея Республикаси ҳукуматининг маблағларини жалб этган ҳолда уларни техник модернизациялаштириш тўғрисида»ги ПҚ-49 сонли қарори асосида «Ўзархив» агентлиги ва Корея Республикаси ҳамкорлигида «Марказий давлат архивларини ахборотлаштириш» номли халқаро лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган («Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 20 декабрдаги 01-26/1229-сон далолатномаси). Бу махсус «Архив ҳужжатларини бошқариш тизими» дастурнинг яратилиши ҳамда учта марказий давлат архивларидаги ҳужжатлар жамланишининг ўзига хос жиҳатлари ва ахборот маълумотлар базасини шакллантиришдаги фарқларини ёритиб беришга ҳисса қўшган;

олинган илмий хулосалар кенг жамоатчилик орасида архив қонунчилиги ислохотларини асослаб бериш ва 2010 йил 15 июнда қабул қилинган янги Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунининг 3-, 26- ва 29-моддалари билан белгиланган тартиблар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли «Ўзбекистон Республикаси архив ишини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган «Архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом» лойиҳаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 22 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси билан тасдиқланган «Архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш»га оид жавобгарлик меъёрларини ишлаб чиқишда қўлланилган («Ўзархив» агентлигининг 2016 йил 20 декабрдаги 01-26/1230-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга хизмат қилган;

кадимги, ўрта асрлар, мустамлака ва совет даврлари ҳамда мустақиллик йилларини ўз ичига олган Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши илдизларига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалардан архив ҳужжатларининг манбавий аҳамиятини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих музейининг 2016 йил 13 декабрдаги 307-сон далолатномаси). Бу мустамлака ва совет даврларида маданий мерос объектларига нисбатан олиб борилган сиёсат, ўлкадан олиб чиқиб кетилган хонликларнинг ноёб архив ҳужжатлари, китоб ва осори атиқалар рўйхатини тўлдириш ва тегишли музей экспозицияларини яратиш, архив фондларини

шакллантириш тамойилларини чуқурроқ эгаллаш ҳамда архив хужжатлари асосида Ватан тарихини объектив ўрганиш имконини берган;

Ўзбекистонда архив иши тарихи, мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилаётган ислохотлар таҳлили бўйича илмий хулосалар «O'zbekiston» телерадиоканалида 2016 йил 18 февралда намойиш этилган «Архивлар, хужжатлар саёҳати ва реал ҳаёт» мавзусидаги кўрсатув сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг 2016 йил 29 декабрдаги 02-13-1660 сонли маълумотномаси). Бу телетомошабинларга архивлар томонидан фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий сўровларини бажариш тартиблари, архив хужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланишга доир ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш талабларига оид маълумотларни ёритиб беришга хизмат қилган;

тадқиқот жараёнида йиғилган материаллар ва олинган хулосалар: 1) Архившунослик / Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Чўлпон, 2007. – 192 б. (2006 йил 6 ноябрдаги 0516-сон гувоҳнома); 2) Давлат муассасалари тарихи / Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2007. – 128 б. (2007 йил 28 майдаги 0901-сон гувоҳнома); 3) Бошқарувни ахборот (хужжатлар) билан таъминлаш. / Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Ташкент: Iqtisod-moliya, 2012. – 120 б. (2012 йил 14 мартдаги 107-53-сон гувоҳнома); 4) Кадрлар билан ишлашни ташкил этиш. / Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Ташкент: Yangi nashr, 2012. – 176 б. (2012 йил 14 мартдаги 107-57-сон гувоҳнома) ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш чоп этилган, жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 252 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, унинг ўрганилиш даражаси тавсифланган, ишнинг мақсадлари ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Архив ишининг шаклланиш тарихи ва даврлаштиришнинг назарий масалалари» деб номланувчи биринчи бобда архив тизимини марказлаштириш

асослари ва даврлаштириш услублари кўриб чиқилган. Хусусан, ишда маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизими шароитида, унинг талабларига тўлиқ жавоб берувчи архив ишини марказлаштиришга доир фаразлар ишлаб чиқилди. «Марказлаштириш» тушунчаси ижтимоий-сиёсий воқеликдан келиб чиқиб, турли хил талқин этилган. Жумладан, 1988 йил июн ойида архив иши муаммоларига бағишланган Умумиттифоқ илмий-амалий конференцияси ва 1988 йил 31 майда Москва Тарих-архив институти Илмий кенгашининг махсус йиғилишида илк бор мутахассислар «РСФСР архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш тўғрисида»ги Декрет (1918 йил 1 июнь)нинг аҳамиятини холис баҳолашга ҳаракат қилган. Хусусан, В. Старостиннинг фикрига кўра, архив муассасаларининг жойлардаги бошқарув органлари билан ўзаро алоқаси «марказлаштириш» тамойилига эмас, балки «федерализация келишуви»га таянган²⁷. XX асрнинг 30-йиллари охирига келиб, «марказлаштириш» атамаси ҳужжатларни жамлаш тушунчаси талқини сифатида эмас, балки кенг бошқарув мазмунида ишлатилган.

Бошқа бир қанча тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ғарб ва совет архив қурилиши тузилишида маълум ўхшашликлар ва фарқлар бўлган. Энг аввало, тизимларнинг ўхшашлиги совет архив ишини ташкил этиш ғоясининг муаллифларига француз тажрибаси таъсир ўтказганлиги билан тушунтирилади. Хусусан, Петрограддаги Архивларни бошқариш бўйича Марказий қўмита раҳбари Д.Б.Рязановнинг ўзи Европадаги турли хил архив тизимлари билан таниш бўлишига қарамасдан, француз амалиёти тарафдори бўлган²⁸. Худудий-давлат бошқарувида марказлаштириш шакли устунлик қилган мамлакатлар: Франция, Бельгия, Италия, Испанияда архивларнинг Бош дирекциялари тузилган эди. Англия, Германия, Швейцария ва АҚШда эса назорат ҳуқуқларига ҳам эга бўлган марказий (миллий) архивлар ташкил этилганди²⁹. Шунга қарамасдан, ушбу мамлакатларда архив ишини марказлаштириш қисман чекланган бўлиб, тор доирадаги ҳукумат идоралари архивларигагина таъсир қилган. Ташкил этилган архивлар фақатгина тарихий ҳужжатлар билан жамланган.

Бир вақтнинг ўзида совет даври архивчилари француз мутахассислари каби ҳужжатларни таснифлашдаги тарихийлик тамойилини эътиборга олмасдан, сунъий секциялар тузиш йўли орқали бордилар³⁰. 1925 йилга келиб, совет архивчилари ундан воз кечишга мажбур бўлдилар. Совет ҳокимияти нафақат фондларнинг бўлинмаслигини инкор қилган, балки архивларнинг ажралмаслигини писанд қилмасдан, сиёсий ёки асосланмаган амалий мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳужжатларни бўлиб ташлаб бир сақловхонадан бошқа сақловхонага ёки бир республикадан бошқа республикага бериб юборган. Бундай амалиёт Ўзбекистонда Октябрь инқилоби, Тарихий ва Ҳарбий тарих марказий архивлари ҳамда партия сақловхоналарини тузишда ҳам кузатилади.

²⁷ Старостин Е.В. Не историки для архивов, а архивы для историков. // Вопросы истории. – Москва, 1988. – №12. – С. 176.

²⁸ Архивное дело. – Москва, 1927. Вып. X. – С.10.

²⁹ Брожестовская Н.В. Архивы и архивное дело в зарубежных странах. – М., 1971. – С. 184-236.

³⁰ Банасюкевич В., Старостин Е.В. Глядя in medias res (самую сущность – лат.) декрета об архивном деле 1918 г. // Отечественные архивы. – Москва, 2008. - №2. – С. 23.

Мустақиллик даврида республика архив ишининг тубдан ислоҳ этилиши натижасида, архивларнинг турланиши янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилди. Бугун Ўзбекистон архивлари тизимини архив ишини бошқариш органлари, давлат ва нодавлат архивлари, хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари ҳамда идоравий архивлар ташкил этади.

Шунингдек, мазкур бобда турли даврлардаги мутахассисларнинг архив иши тарихини даврлаштириш методологиясига оид назарий қарашлари таҳлил этилган. Улар асосида Ўзбекистонда илк архив амалиёти, архивлар тизимини ташкил этиш ва ислоҳ қилиш жараёнларини инобатга олиб, архив иши тарихида қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш орқали даврлаштириш мумкин:

Биринчи босқич милoddан аввалги IV асрдан – милodий XVI аср охиригача бўлган даврни қамраб олиб, бунда архивлар давлатчилик ва маданиятнинг бир қисми сифатида намоён бўлиб, ёзув пайдо бўлиши билан бирга шакллана бошлаган. Ушбу давр ҳужжатли материаллар тўплами сифатида баҳоланувчи илк сарой архивлари (Нисадаги Парфия подшоҳлари архиви, Қадимги Бактрия ва Хоразм (Тупроққалъа) архиви, шунингдек, Сўғд архивларининг ташкил топиши билан характерланади. Бундан ташқари, мазкур даврда сомонийлар ва кейинчалик темурийлар ҳукмронлигида давлат девонхоналари ташкил этилиб, махсус ҳужжат юритиш учун масъул лавозимлар таъсис этилган. Давлат муассасалари тизимида бир вақтнинг ўзида архив сақловхонаси вазифасини ҳам бажарган кутубхоналар мавжуд эди. Архив коллекцияларининг мазмуни ва таркиби аҳолининг маълум нуфузга эга бўлган қисмининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, ўзига хос равишда ҳужжатлар йиғилганлигидан далолат беради.

Иккинчи босқич ўз ичига XVI аср охиридан – XX аср бошларигача бўлган даврни қамраб олган. Бу даврда Ўрта Осиё хонликларида сарой хазинаси ва кутубхоналар билан бир қаторда расмий девонхоналар ташкил этилган. Шунингдек, ушбу даврда Россия империясининг Ўрта Осиё ҳудудида жорий этилган ўзига хос янги иш юритиш усуллари билан бирга расмий ҳужжатларни сақлаш учун империя ва маҳаллий муассасалар таркибида тарқоқ идоравий архивлар тизими ҳам ташкил этилган.

Учинчи босқич 1919-1990 йилларни ўз ичига олади. Ўша пайтда архив ишини марказлаштиришга қаратилган тадбирлар республикада алоҳида архив муассасалари тизимининг шаклланиши, архившунослик назариясини, архив ҳужжатларини аниқлаш, танлаб олиш, уларнинг қимматдорлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш, тавсифлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш билан бирга амалга оширилган. Ушбу тарихий жараёнларга бой бўлган даврда қуйидаги муҳим воқеа ва ҳодисалар содир бўлган:

1919 йилда “Туркистон АССРда архив ишини марказлаштириш ва қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Декрет қабул қилиниб, алоҳида бошқарув органи ташкил этилган. 1920-1924 йилларда архив бошқармасининг ҳудудий архив бўлинмалари очилган. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам бошқарув, ҳам ҳужжатларни жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни

ташқил этиш вазифаларини бажарган. Шунингдек, архив қонунчилигини бузганлик учун махсус ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган.

1925-1930 йилларда ЎзССР ташқил этилиши билан ҳукуматнинг архив ишига доир янги меъёрлар жорий этилиб, улар ҳужжатларни сақлаш ва йўқ қилишга ажратиш жараёнини бошқариш, ҳужжатлар ҳисобини такомиллаштириш ва ҳужжатларнинг бут сақланиши устидан назоратни кучайтириш, ўзбошимчалик билан архив ҳужжатларини бир жойдан бошқа жойга олиб кетиш ёки кўчиришни тақиқлаш, сақлаш талабларига мос келадиган махсус хоналарни ажратишга қаратилган ва шулар асосида совет архившунослиги илмий концепцияси яратилган.

1931-1957 йилларда архив тизими алоҳида: 1) бошқарув органи – Марказий архив бошқармаси (МАН) ва унинг ҳудудий бўлинмалари; 2) марказий ва ҳудудий давлат архивларига ажратилди. Шу билан бирга, мустабид тузумнинг кучайиб кетиши архивлар мавқеининг пасайиши ва идоравий мустақилликнинг йўқолишига олиб келди, архив ҳужжатларидан сиёсий мақсадларда фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб қолди.

1958-1991 йилларда республика архив тизими тубдан қайта ташқил этилиб, марказлаштириш сиёсатининг таъсири янада кучайтирилди. Шу билан бирга, илмий-техника тараққиёти натижасида Давлат архив фонди таркиби ўзгарди ва Ўзбекистонда янги технотрон архивлар: Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви (ИТТХ МДА) ва Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви (КСОХ МДА) ташқил этилди.

Тўртинчи босқич 1992 йилдан бошланиб, бугунги кунга қадар давом этмоқда. Ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, бу миллий архив ишини такомиллаштириш даври бўлиб, қуйидаги воқеалар билан тавсифланади:

1992-1999 йилларда собиқ иттифоқдош республикалар ўртасида архив ҳужжатларига бўлган ҳуқуқий ворислик масаласи кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан моддий-маданий меросни ҳуқуқий ҳимоя қилишга йўналтирилган бир қатор халқаро актлар ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги биринчи қонуни ишлаб чиқилиб, 1999 йил 15 апрелда қабул қилинди.

2000-2009 йилларда архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадида республика Бош архив бошқармаси «Ўзархив» агентлигига айлантирилди; архив ишини информатизациялаштириш бўйича меъерий ҳужжатлар қабул қилинди, дунёнинг етакчи архивлари билан халқаро ҳамкорлик ўрнатилди. «Ўзархив» агентлиги Халқаро архивлар кенгаши таркибига кирди. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури доирасида ўрта махсус ва олий таълим ўқув муассасаларида ихтисослаштирилган архив мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

2010-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги янги қонунини қабул қилиниши (2010 йил 15 июнь) билан қонунчилик базаси тубдан ислоҳ этилди. Архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Архивлар учун янги бинолар қуриш ва

реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Архив соҳасидаги қонун билан белгиланган тартиббузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича янги меъёрлар тасдиқланди. Архивлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган давлатлараро ва идоралараро ҳамкорликлар ва алоқалар мустаҳкамланиб, моддий-маданий мерос ва миллий бойликларни асраб-авайлаш бўйича халқаро ҳамжамиятларга интеграцияси кучайиб бормоқда.

Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олганда, Ўзбекистон архивлари алоҳида ижтимоий-маданий институт сифатидаги мавқеининг пасайиб ёки ортиб бориши билан бирга кечган ва маълум тарихий қонуниятларга асосан ривожланган.

«Ўрта Осиёда иш юритиш ва архив ишининг ташкил этилиши» деб номланган иккинчи бобда ҳужжат юритиш ва уларни сақлаш тизимининг шаклланиши тарихий экскурси келтириб ўтилади. Маълумки, ёзувнинг пайдо бўлиши секин-аста архив ишининг ривожланишига ҳам туртки бўлди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, унинг ташкил этилишига ҳукмрон доира ва жамиятнинг тўлақонли ахборотни қайд этиш ва узатиш ҳамда кейинчалик уни дастлабки шаклда қайта тиклаш имкониятига эга бўлиш эҳтиёжининг ўсиб бориши сабаб бўлган.

XX асрнинг 90-йиллар охирига қадар Ўрта Осиё давлатларида иш юритиш ва ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги маълумотлар моддий манбалар йўқлиги сабабли тарқоқ ва саёз бўлган. Археологик тадқиқотлар ҳам сарой архиви кўринишидаги ҳужжатлар коллекцияси фақатгина Қадимги Парфия ва Хоразмда аниқланганлигини тасдиқлаган. Бироқ, замонавий палеографик изланишлар дастлабки иш юритиш ва ҳужжатларни сақлаш тартибининг илк илдизлари Жанубий Бақтрия худудида ҳам мавжуд бўлганини кўрсатади. Сўғдда ҳам ўзига хос ҳужжат юритиш ва уларни сақлаш тизими йўлга қўйилган. Тузилган жойи ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, ёзма ҳужжатлар йиғиндиси турига кўра муайян тарзда фарқланиб, ҳукумат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар махсус сарой хазиналарида сақланган.

Араб халифалиги даврида расмий ёзув араб графикасига асосланган тизимга ўтказилгандан сўнг, давлат бошқаруви тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида анъанавий сарой, ибодат ва хусусий архив сақловхоналари билан бирга девонхона, кутубхона ва мадрасалар қошида ҳам ҳужжатларни жамлаш ва сақлаш анъанаси ривожлана бошлади³¹.

Ўрта Осиё ҳукмдорлари (хон ва амирлар)га яқин бўлган амалдорлар девонхоналарида ҳам уларнинг иш хусусиятини акс эттирувчи ҳужжатлар мужассамлашган эди. Хусусан, турли хил меъерий ҳужжатлар (амирнинг фармон ва фармойишлари), ахборот-маълумот материаллари (мамлакатдаги сиёсий аҳвол тўғрисидаги ахборот ва билдиришномалар, қўшин ва ҳарбий қисмлар рўйхати, солиқ йиғими ҳисобот қайдномалари), хизмат хатлари, хусусий ва расмий мазмундаги олди-сотди шартномалари, вақф ҳужжатлари

³¹ Сагдуллаев А., Аминов Б. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм. – Тошкент: Академия, 2000. – Б.75.

кўринишида бизнинг кунимизгача сақланиб қолган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги “Бухоро амири кўшбегиси” фонди ҳужжатлари³² амирликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётини акс эттиради. Ушбу даврда Хива хонлигида ҳам бевосита ҳужжат юритиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган – девонбеги, парвоначи, шотир, китоббардор каби лавозимлар жорий этилган³³. 1948 йилда Хоразм вилоят давлат архивида сақланган «Хива хони девонхонаси» архив фондидаги 1874-1917 йилларга оид 98 та ҳужжат Тошкентдаги марказий архивга юборилган.

1873 йилда Россия империяси босқини даврида Хива хонлари архив ҳужжатларининг бошқа бир қисми, 1876 йилда эса Қўқон хонлиги девонхонаси материаллари мусодара қилинган эди. Архив ҳужжатларини йиғиш ва олиб чиқиб кетишда шарқшунос А.Л.Кун бошчилик қилган. Қўқон ва Хива хонлари архивлари Петербургга юборилгандан сўнг, саксон йил давомида тадқиқотчилар учун номаълум бўлган. Россия императори кутубхонасида улар қоғозлар, ўрамлар ва қутиларда қандай ҳолатда олиб кетилган бўлса, шундай ётган эди³⁴. 1936 йилда шарқшунос П.Иванов Ленинград (ҳозирда Санкт-Петербург)даги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат оммавий кутубхонаси (аввалги Россия императори кутубхонаси)да Хива хонлари архивини тасодифан топиб олган. 1939 йилда у Хивадан олиб келинган материаллар билан ишлаш давомида келиб чиқиши Фарғонага тегишли бўлган, тожик тилидаги жуда кўп ҳужжатларни ҳам аниқлаган эди³⁵. Кейинчалик бу маълумотлар М.Йўлдошев томонидан ҳам тасдиқланиб, олим кутубхонада Қўқон хонлиги архив ҳужжатлари борлигини таъкидлаб ўтган³⁶.

1962 йилда Ўзбекистон Марказий давлат архивига М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат оммавий кутубхонасидан (собик Император оммавий кутубхонаси, ҳозирда Россия Миллий кутубхонаси) Хива ва Қўқон хонликлари архив фондлари қайтариб берилди.

Ўрта Осиёда замонавий тушунчадаги алоҳида махсус муассаса сифатида архив ташкил этиш ғояси XIX аср охирига келиб шаклланган. Бу эса Россия империясининг ўлкани босиб олгандан сўнг амалга оширган маъмурий ислохотлари билан узвий боғлиқ бўлган.

Маълумки, Ўрта Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг Тошкент шаҳри Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий ва маъмурий маркази сифатида танлаб олинган эди. Бунинг натижасида Тошкентда бир қатор давлат ва ҳарбий муассасалар ташкил этилиб, уларда ўлка тарихини ўрганиш учун муҳим бўлган иш юритиш ҳужжатлари йиғила бошлаган. Стратегик мақсадлар ва умуман ўлка тарихини ўрганишга бўлган қатор қизиқишлар империя маъмуриятини ҳужжатларнинг идораларда

³² Путеводитель по фондам Центрального государственного исторического архива УзССР. / Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. – Ташкент, 1948. – С. 30-32.

³³ Сағдуллаев А., Аминов Б, Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – Б.242.

³⁴ Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении... – С.126.

³⁵ Иванов П.П. Архив хивинских ханов. // Записки ИВ АН СССР. Том VII. – Ленинград, 1939. – С. 9.

³⁶ Юлдашев М.Ю. Новый архивный источник по истории Средней Азии. // Краткие сообщения Института Востоковедения Академии наук СССР. – №1. – С. 37.

сақланишига алоҳида эътибор қаратишга мажбур қилди. 1870 йилдан бошлаб вилоят бошқармалари қошида махсус идоравий архивлар ташкил этила бошланди. Маҳаллий муассасалар: қози ва бий судлари, оқсоқоллар девонхоналари фаолияти натижасида шаклланган ҳужжатли материаллар эса ишхоналарида сақланган. Ўлкадаги ягона архив ҳужжатлари нисбатан тартибли сақланган идора Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси бўлган. 1877 йилда девонхона учун янги бино қурилиши билан архивга иккита хона ажратилган. Ушбу архив ишини ташкил этиш ва бошқариш учун журналист (архивариус ва экзекутор) лавозими таъсис этилди³⁷.

Архивлар аҳамиятининг ошиб боришини ҳисобга олиб, 1873 йил октябрда генерал-губернатор К.П.Кауфман Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси бошқарувчисига ўлкадаги архив иши ҳолатини ўрганиб чиқиб, «Тошкентда Марказий архив ташкил этиш тўғрисида»ги лойиҳани ишлаб чиқишни топширди. Аммо лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмади. Бир неча ўн йиллар давомида ўлканинг илмий жамоаси архив лойиҳасини қайта тиклаш таклифини кўтариб чиқди. Ҳар сафар ўлка маъмурияти керакли маблағнинг йўқлигини сабаб қилиб масалани кўриб чиқишни орқага сурди. Аслида эса, бу ҳолат айрим мансабдор шахсларнинг архив иши моҳияти ва аҳамиятини тушунмаганлигидан далолат берар эди. Мазкур масала ўлкадаги бюрократик бошқарув механизми шароитида XX асрнинг 20-йилларига қадар ўз ечимини топмади.

«Совет даврида архив иши» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда архив ишининг мураккаб ва зиддиятли босқичларда ташкил этилиши тарихи илмий жиҳатдан тадқиқ этилди. Жумладан, 1918 йилда Туркистон АССРнинг ташкил этилиши билан совет давлат муассасаларининг янги тизимини шакллантириш бошланди. 1919 йил 5 ноябрда Туркистон АССР МИҚ «Архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш тўғрисида»ги қарорини қабул қилди. 1920 йил январидан мазкур қарор асосида Туркистон МИҚ Тошкент шаҳрида марказга бўйсунувчи Марказий архив бошқармасини ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқаради³⁸. Архив бошқармаси собиқ Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси биносида жойлаштирилган эди. Юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши республика архив ишини тубдан ўзгартириш ва алоҳида архив муассасаларни ташкил этилишига асос бўлди. Жумладан, империя ҳукумати идора ва муассасалари тугатилиб, янги мафкура талабларига мос келувчи илмий-тарихий, маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар давлат мулки, деб эълон қилинди. Ҳужжатларни марказлашган ҳолда йиғиш учун Ягона Давлат архив фонди (ЯДАФ) ташкил этилиб, уни РСФСР Бош архив иши бошқармаси бошқарар эди.

Республика Марказий архив иши бошқармаси ўз фаолиятини ҳужжатларни марказлашган тартибда ҳисобга олишдан бошлаган. Бир йил ичида бошқарма ҳисобига 500 та архив олинди, улардан 326 таси ҳарбий, (126 таси Қизил Армия ва 200 таси Россия империяси армияси), 11 та диний

³⁷ Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Вып. 3. Краевое управление. – СПб, 1910. С 133.

³⁸ ЎзР МДА, ф. Р-399, р.2, йж. 82, в.2.

муассасалар ва 163 нафар фуқаро архивлари йиғилган. Бироқ, муассасалардаги қоникарсиз иш юритиш сабабли ҳужжатларнинг ҳисобини тўғри олиб бориш имконияти чекланган эди. Ҳисобга олинган 229 та (46 %) архивлардан куйидаги статистик маълумотлар тузилган эди: 345661 та йиғмажилд, 3238 та китоб, 242 та арава, 207 та жавон, 90 та тоқча, 1078 пуд, 44 та ёғоч қути, 1097 та боғлам, 5387 та қоғоз қути, 6600 та қайд карточкалари, сиёсий арбоблар ва жиноий шахсларнинг 2650 та фото карточкалари ва 1350 та телеграф ғалтаклари ленталари бўлган³⁹. Қолган 54 % архив муассасалардаги ҳолат аниқланмаган. Умумий ҳисобга олинган барча архивларнинг 36 фоизи тўлиқ ёки қисман талон-тарож қилинган, сотиб юборилган ёки ёқилган сифатида ишлатиб юборилган.

Туркистонда архив қурилиши, шунингдек, кадрларнинг етишмаслиги билан ҳам мураккаблашиб борган. Архив бошқармаси ташкилий ишларига таниқли шарқшунос олимлар жалб қилинганлигига қарамасдан, жойлардан архив ходимларининг касбий лаёқатсизлиги оқибатида манбаларнинг аҳамияти ва тарихий қиймати тўғри баҳоланмаган⁴⁰. Шу билан бирга, архив ходимлари совуқ ва зах хоналарда, минимал ойлик маош ва турли молиявий қийинчиликларда фаолият юритган. Аммо шунга қарамай, иш давом этар эди. Ҳужжатли материалларни жамлаш, сақлаш ва фойдаланиш ишлари махсус услубий йўриқномалар ва қоидалар ишлаб чиқишни талаб этган. 1920-1922 йилларда Архив бошқармасига топширилиши керак бўлган архив фондларини текшириш, архивларни кўчириш тўғрисидаги қоидалар, жорий архивларни бошқариш бўйича назоратчиларнинг иш қоидалари ва архив маълумотномаларини бериш қоидалари, архив ҳужжатларини тартибга келтириш ҳамда йўқ қилишга ажратиш йўриқномаси каби тармоқ меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган⁴¹.

Бироқ республика архив ишининг ҳуқуқий асосларини яратиш жараёни дастлабки кунлардан оқ уни марказга бўйсундиришга қаратилган эди. «Марказлаштириш» тушунчаси билан амалга оширилган тадбирлар иккиламчи характерга эга бўлган. Бир томондан, архив муассасалари замонавий тушунчада архив фондларини шакллантиришда катта назарий-методик ёрдам олган, бошқа томондан эса, амалдаги муаммоларни ҳал этишда тўлиқ мустақилликдан маҳрум бўлган эди. Шу билан бирга, архив фондининг тўлақонли жамланишига синфий ёндашиш сиёсати сезиларли зарар етказган, бунинг оқибатида ҳукмрон мафкура манфаатларига жавоб бермайди, деб баҳоланган катта ҳажмдаги манбалар, давлат сақловига қабул қилинмасдан, йўқ қилишга ажратилган.

Республика архив тизимига бевосита ижтимоий-сиёсий воқеликлар ўз таъсирини ўтказган. Ўрта Осиё республикалари миллий-худудий чегараланиши сиёсати натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топганидан сўнг 1925-1926 йилларда худудий ижроия кўмиталар қошида вилоят архив бюрolari ташкил этилди. XX асрнинг 30-йиллари бошида республикада марказий архивлар

³⁹ ЎзР МДА, ф. Р-399, р.1, йж. 48, в. 130 (орка варок).

⁴⁰ Тилеукулов Г.С. Архивное дело в Узбекистане (1918 – 1980-е гг.): опыт и проблемы: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – С. 14.

⁴¹ ЎзР МДА, ф. Р-399, р. 1, йж. 48, в. 57-58; йж. 28, в. 70-74, 228.

тизими шакллана бошлади, уларда республика аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар мужассамлаштирилиши режалаштирилди. 1930 йил 9 апрелда республика МИК Президиуми Марказий архив иши бошқармасини Марказий архив бошқармасига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди, бошқармада жамланган ҳужжатлар эса мазмуни ва даврига кўра Октябрь революцияси Марказий давлат архиви ва Марказий давлат тарих архивлари ўртасида тақсимлаб тарқатилди⁴². 1930 йил ўрталаридан бошлаб Тошкентда фаолият кўрсатган марказий архивлар сони Марказий ҳарбий тарих архиви (1945 йилда тугатилган), Касаба уюшмалар ҳаракати Марказий архиви (1942 йилда тугатилган) ва 1943 йилда ташкил этилган Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви ҳисобига кўпайтирилди.

Бироқ мазкур жараён республика архив бошқармасининг секин-аста идоровий мустақиллигини йўқотиш билан давом этди. 1939 йилда ЎзССР Марказий архив бошқармаси бутун архив тизими билан бирга Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг 1938 йил 30 декабрдаги қарори ва Ички ишлар халқ комиссариати (ИИХК)нинг 1939 йил 15 майдаги буйруғига асосан, ЎзССР ИИХК таркибига киритилди. 1940 йил 21 июлда бошқарма ЎзССР ИИХКнинг Архив бўлимига айлантирилди⁴³, кейинчалик 1946 йилда ЎзССР Ички ишлар вазирлиги Архив бошқармаси, деб номлана бошлади. Бундай идоровий бўйсунтириш архив муассасаларининг ижтимоий вазифаларига салбий таъсир кўрсатди. Ички ишлар органлари архив ҳужжатларини, энг аввало, оператив-қидирув мақсадларда қўллашга ҳаракат қилган, архив ҳужжатларидан илмий-амалий изланишларда фойдаланиш мафкуравий чекланган, ҳужжатларни кириб кўриш тартиби уларни асосиз равишда «махфий», «ўта махфий» каби грифлар билан чеклаш орқали мураккаблаштирилган.

XX аср 50-йиллар иккинчи ярмида республика архив тизими навбатдаги қайта ташкил этиш босқичини бошдан кечирди. 1958 йил 20 ноябрда ЎзССР Министрлар Совети давлат ва идоровий архивлар устидан назорат ва бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида ЎзССР ИИБ Архив бўлими Архив бошқармасига айлантирилди⁴⁴ ҳамда Октябрь инқилоби Марказий давлат архиви ва Марказий давлат тарих архивларини ягона Марказий давлат архиви (МДА)га бирлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилди. 1959 йил 5 июнда архив бошқармаси ва республика марказий ва вилоят давлат архивлари тизими махсус низом асосида ўзгартирилди. Шу йилнинг ўзида архив таркибига Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар архиви (КСОҲ МДА) ҳам қўшиб юборилди⁴⁵.

1962 йилда Ўзбекистон тиббиёти соҳасида йиғилган тажриба ва амалиётдан ҳар томонлама фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ЎзССР Марказий давлат тиббиёт архиви ташкил этилди⁴⁶. 1965 йилдан эса фан-техника тараққиёти натижасида мужассамлашган манбаларни давлат сақловига қабул

⁴² ЎзР МДА, ф. Р-86, р.1, йж.6685, в.301-306.

⁴³ ЎзР МДА, ф. Р-400, р.1, йж.895, в.1.

⁴⁴ 1961 йил 9 майда ЎзССР ИИБ қошидаги Архив бошқармаси ЎзССР Министрлар Кенгаши қошидаги Архив бошқармасига айлантирилди.

⁴⁵ Сборник постановлений Совета Министров УзССР. – Ташкент, 1958. С. 56.

⁴⁶ Сборник постановлений Совета Министров УзССР. – Тошкент, 1962. С. 13-16.

қилиниши сабабли архив Илмий-техника ва тиббиёт хужжатлари Марказий давлат архиви, деб ўзгартирилди.

XX аср 70-йиллар бошида республика архивлари сақловхоналари сиғими муаммоси юзага келди. Архивларнинг хужжатлар таркиби ва жамланиши масаласини қайта кўриб чиқиш мақсадида 1973 йил 16 февралда «Республика архив иши ҳолати ва уни янада яхшилаш чора-табирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Унда ҳудудларда архив иши ва иш юритиш ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон КСОҲ МДА қайта тикланди ва Тошкент вилояти давлат архиви асосида алоҳида Тошкент шаҳри давлат архиви ташкил этилди. Шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари ҳузурида фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий сўровларини бажариш учун алоҳида идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб хужжатлари архивлари тузилди.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида архивларнинг ижтимоий-сиёсий вазифаларига эътибор кучайиб кетди. Давлат архивлари фаолияти мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ривожланишидаги мафкуравий вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда фаол иштирок этишга қаратилган эди. Биринчи навбатда «архивларни оммалаштириш» ўрнига муассасалар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, газета ва журналлар таҳририяти, киностудия ва телевидение, шунингдек, мактаб, музей ва Ўзбекистон тарихи ва маданиятини муҳофаза қилувчи жамиятлар билан ҳамкорликда архивлар «маданий-маърифий ва ташвиқот-тарғибот»ларни амалга ошириши керак эди.

1980-1985 йиллар давомида республика давлат архивлари томонидан 843 та мақола чоп этилган, 583 та радио ва 29 та телекўрсатувлар тайёрланган, 243 та хужжатлар кўргазмаси ташкил этилган. Ўқув залларида 3096 нафар тадқиқотчи изданишлар олиб бориб, уларга 146817 та йиғмажилд фойдаланиш учун берилган⁴⁷. Шу билан бирга, архивларнинг республика илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлиги кучайган, бу эса хужжатлар тўпламини тайёрлаш ва нашр этишда катта аҳамият касб этган. Тақиқлаш тартибининг кучсизланиши ва давлат архивларининг хужжатларидан фойдаланишга доир бўлган чекловларини енгиллаштиришга қаратилган фаолияти тарихий тадқиқотларнинг манбавий базаси кенгайишига маълум маънода ижобий таъсир ўтказди. Жумладан, Ўзбекистон МДА 1988-1990 йиллар давомида архивлар томонидан 175 та рўйхат бўйича 1868-1987 йилларга оид 143 та фонд танлаб олинган. Шулардан, тарихий даврга оид 57 та фонддан махфийлик чекловини олиб ташлаш учун 23 та фонд, совет даври фондларидан 1917-1987 йилларга оид кўриб чиқилган 120 фонддан 30 таси биринчи категория, яъни вазирликларнинг фондлари бўлган⁴⁸. Бундай ишлар бошқа давлат архивларида ҳам олиб борилди. Умумий ҳажмда республика архивлари томонидан икки йилда 100 мингга яқин йиғмажилддан махфийлик чеклови олиб ташланди⁴⁹.

⁴⁷ ЎзР МДА, ф.Р.-400, р.1, йж.3826, в.23-24.

⁴⁸ Петрова Л.И. О расширении информационной базы для общественных наук в ЦГА УзССР. // Информационный бюллетень Главного архивного управления при Кабинете Министров УзССР. – Ташкент, 1990. - №3. – С.6-10.

⁴⁹ Тилеукулов Г.С. Архивное дело в Узбекистане (1918-1980-е гг.)... – С. 20.

1980 йиллар охири – 1990 йиллар бошида мамлакатдаги оғир иқтисодий қийинчиликлар сабабли архив муассасалари фаол равишда кўшимча молиявий манбаларни қидириб топишга мажбур бўлди, бу эса архивларни янги хўжалик юритиш шароитига ўтишга олиб келди. Мазкур тадбирлар пулли хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва ташкилотлар ҳужжатларини шартнома асосида тартибга келтириш, хўжалик гуруҳларининг ойлик маош фондининг ошиб бориши, ходимларни моддий рағбатлантиришни қисман яхшилаш имконини яратди. Бироқ архивларнинг моддий-техник базаси талаб даражасида бўлмаган, ҳар доим ҳам янги техника ва технология сотиб олиш учун зарурий маблағ ажратилмаган. 1990 йиллар бошида республикада фаолият кўрсатган 72 та давлат архивларида умумий ҳисобда 5 млн. 412 мингта йиғмажилд сақланган. Лекин улардан фақат 5 тасигина махсус ихтисослашган биноларда 58 таси мослаштирилган, қолган 9 таси вақтинчалик ва аксарияти ижарага берилган биноларда фаолият юритган эди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш керакки, совет тузуми даврида республика архив қурилиши иккиламчи характерга эга бўлган. Бир томондан, архив хизмати ташкилий, услубий жиҳатдан мустақамланиб борган, архив ходимлари ҳужжатларни жамлаш, ҳисобга олиш, сақловини таъминлаш ва фойдаланишда катта ютуқларга эришган. Иккинчи томондан эса, архивлар фаолиятига сезиларли равишда мавжуд даврга хос бўлган ижтимоий-сиёсий воқеликлар, мустабид тузум, коммунистик мафкура яккаҳокимлиги, иқтисодий танглик, архив ҳужжатлари билан ишлашда турли хил чекловларни ўрнатган сиёсий цензура ҳамма соҳани қамраб олганлиги салбий таъсир ўтказган эди.

«Мустақил Ўзбекистонда архив иши» деб номланган тўртинчи боб архив иши қонунчилигининг ислоҳ қилиниши, соҳани бошқариш ва малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, модернизация жараёнлари, шунингдек, архивларнинг жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот, маданий-маърифий муассасалари билан ҳамкорлиги, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш истиқболлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганишга қаратилган.

Совет даврида собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган меъёрий ҳужжатларга асосан иттифоқдош республикалар манфаатларини қамраб олувчи партия ва давлат бошқарув органларининг ҳужжатлари марказга юборилган. Натижада, 1990 йиллар бошидан оқ, собиқ совет мамлакатларида ўз Ватани тарихига доир архив ҳужжатлари йиғиндисини имкон қадар қайтариб олишга йўналтирилган ҳаракат кучайиб борди. Амалиётга кўра архив фондларини бўлақларга ажратиш мумкин бўлмаган, чунки бундай ҳолат оқибатда ҳужжатларни йўқотиш ва ахборот бутлигига зиён етказиши мумкин эди. Бу эса 1992 йил 6 июлда МДХ давлатлари раҳбарларидан архивлардаги ҳужжатлардан келгусида ўзаро манфаатли равишда фойдаланиш учун «Собиқ иттифоқ давлат архивлари хусусида ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги Битим»ни имзоланиш талаб этди. Унга кўра томонлар ўз ҳудудларидан ташқарида сақланаётган архив ҳужжатлари комплексига эгалик қилиш даъвосидан воз кечишга келишиб олди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб архив муассасалари меъёрий ҳужжатлари янгилана бошлади. Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси томонидан моддий-маданий бойликларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор халқаро қонун ҳужжатлари ратификация қилинди. Жумладан, 1995 йил 22 декабрда 181-1-рақами билан «Моддий бойликларни ноқонуний олиб чиқиб кетиш, олиб кириш ва эгалик ҳуқуқини бериб юборишнинг олдини олиш ва тақиқлашга қаратилган тадбирлар тўғрисида»ги ва «Қуролланган тўқнашувлар вақтида маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенциялар ратификация қилинди. Халқаро меъёрлар асосида, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш талабларини ҳисобга олиб, 1999 йил 15 апрелда Олий Мажлис томонидан биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Аста-секин қонунинг ҳавола нормалари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан жамиятнинг ахборот сўровлари ҳамда ривожланиб бораётган илмий, маданий, ижтимоий-сиёсий талабларга жавоб берувчи қатор махсус қарорлар қабул қилинди.

«Архивлар тўғрисида»ги Қонунни амалиётга татбиқ этиш шуни кўрсатдики, шаклланаётган бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти, хусусий мулк дахлсизлиги ва эркин ахборот оқими шароитида шакл ва мазмун жиҳатидан кўпроқ давлат архивларига умумий ҳуқуқий йўл-йўриқ бўлган эски қонун ўрнига архив иши ва иш юритиш соҳаларини ташкил этиш масалаларини батафсил ёритиб берувчи янги қонун ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. 2010 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги янги Қонуни қабул қилинди. Қонун архив муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий мустаҳкамлашни таъминлаш, архив ҳужжатларини ўз вақтида жамланиб бориши, давлат ҳисобига олиниши, бут сақланиши ва архив ҳужжатларини кириб кўриш, улардан фойдаланиш масалаларини тартибга солишга қаратилган. Масалан, қонуннинг алоҳида бобида архивлар ва идоравий архивлар ташкил этиш масаласига бағишланган бўлиб, унда архивларни тузиш шарт-шароитлари, архивлар турлари, архивларни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари, Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини шакллантириш, Давлат каталогини юритиш, ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ёритиб берилган.

Мустақиллик йилларида республикада иш юритиш ва архив иши соҳалари янада такомиллаштирилди, ҳуқуқий асослари тубдан янгиланди ҳамда архивлар фаолиятига замонавий ахборот технологиялари жорий этилди. Архивларнинг нафақат маъмурий мавқеи ва ваколатлари оширилди, балки уларнинг тармоғи сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, бугунги кунга келиб, республикадаги давлат архивларининг сони 103 тага қўпайиб, улардан 4 таси марказий давлат архивлари, 12 та вилоят ва уларнинг 86 та ҳудудий филиаллари ҳамда Тошкент шаҳар давлат архивидир. 2009-2014 йилларда давлат архивлари учун 20 тадан ортиқ махсус янги бинолар қурилди, 5 та йирик архивларнинг бинолари тўлиқ реконструкция қилинди ва, энг муҳими, қолганлари ўз балансидаги биноларга эга бўлди⁵⁰. Шунга қарамай,

⁵⁰ «Ўзархив» агентлигининг 2016 йил жорий архиви материаллари.

аксарият давлат архивларида ҳужжатларни сақлаш учун зарурий шароитлар яратилмаган, жиҳозлари эскирган, архив ҳужжатларини реставрация қилиш, ҳисобга олиш, қидириб топиш ва назорат қилиш бўйича янги технологиялар жорий этилмаган.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида 110 та идоралараро ҳўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари (ИХХШТА) фаолият юритиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг турли мазмундаги сўровларини бажаришда салмоқли ҳисса кўшиб келмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2011 йилда давлат архивлари томонидан фуқароларнинг 112 мингта ижтимоий-ҳуқуқий сўровлари бажарилган бўлса, ИХХШТА томонидан 300 мингта сўровлар кўриб чиқилган, 2014 йилда бу кўрсаткич давлат архивларида 164 300 тани ташкил этган бўлса, ИХХШТАларда 330 мингтага ошган⁵¹. Бироқ мазкур архивлар фаолиятида бир қанча жиддий муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг 78% ҳужжатлар билан тўлган, бино ва сақловхоналари меъёрий талабларга жавоб бермайди, фуқароларни қабул қилиш хоналари, моддий-техника базаси, хизмат кўрсатиш спектори замон талаблари даражасида ташкил этилмаган. Шунингдек, ушбу архивларни “Ўзархив” агентлигига фақат ташкилий-услубий жиҳатдан боғлиқлиги, бюджет маблағлари билан таъминланмаслиги, 50% ортиқ тугатилган ташкилотлар ҳужжатларини сақланиши қатор иқтисодий қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Бу эса мазкур архивлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Хусусий секторнинг ривожланиши ҳамда мамлакатда олиб борилаётган иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва эркинлаштириш сиёсатига асосан, шунингдек, нодавлат ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг сони йил сайин ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда, охириги йиллар ичида нодавлат архивларининг ҳам сони ошиб бориб, 2010 йилда 47 тага етди⁵². Бироқ “Архив иши тўғрисида”ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меъёрий талабларга зид равишда ташкил этилганлиги боис 2014 йилга келиб уларнинг 40 таси қисқартирилди⁵³.

Шу билан бирга, архивларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқув-методик адабиётлар ва ахборот-маълумот қўлланмаларни ишлаб чиқиш, архивларга ёш малакали кадрларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ўринда тадқиқотда давлат архивларининг республика илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, илмий нашрларни чоп этиш йўналишидаги ишларини жадаллаштириш, архив ҳужжатларидан фойдаланиш меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва махфийлик чекловини олиб ташлаш бўйича комиссия фаолиятини қайта тиклашга доир таклифлар берилди.

⁵¹ “Ўзархив” агентлигининг 2016 йил жорий архиви материаллари.

⁵² Исакова М.С. Правовые аспекты развития негосударственной части архивного фонда Национального архивного фонда Республики Узбекистан // Сборник материалов международной конференции “Современные проблемы комплектования, учета, хранения и использования информационных ресурсов архивных учреждений и организаций”. – Ташкент, 2012. – С.54-61.

⁵³ “Ўзархив” агентлигининг 2015 йил жорий архиви материаллари.

Архив муассасалари фаолиятида тўпланиб қолган бошқа бир қатор муаммолар кадрлар тайёрлаш сиёсатига алоҳида урғу бериш кераклигини кўрсатар эди. Давлат архивларининг малакали мутахассисларга бўлган талабларини ҳисобга олган ҳолда, охириги ўн йил ичида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” доирасида республиканинг 4 та олий ва 28 та ўрта махсус таълим ўқув муассасалари қошида илк бор олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилди. 2007 йилдан бошлаб иккита марказий давлат архивлари қошида ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курсларида ҳар йили мингга яқин идоравий архив ва иш юритиш хизмати ходимлари ўз малакаларини ошириб бормоқда. Бу ва бошқа тадбирлар архив муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал этиш имкониятини яратмоқда. Бироқ шунга қарамасдан, “Ўзархив” агентлигининг 2016 йилдаги маълумотларига кўра, давлат архивларида фаолият юритаётган 895 нафар ходимлардан 332 нафари (23,5 %) олий маълумотга эга бўлиб, улардан 56 нафари (6 %) соҳа мутахассисларини ташкил этади. Ўрта махсус маълумотли 563 (40 %) нафар кадрлардан 42 (9 %) нафаригина соҳа мутахассисларидир.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви жараёни ҳамда ахборот олиш ва сақлашнинг янги турлари ва воситаларини такомиллашуви архивларнинг янги технологиялар жорий этиш амалиётини ўрганиб чиқиш ҳамда халқаро тажриба билан танишиш эҳтиёжини янада оширди. Бу мақсадлар амалиётда дастлаб давлат архивлари ходимларини турли хил республика ва халқаро миқёсда ташкил этилган форумлар, учрашувлар, конференциялар ва малака ошириш ўқув курсларида қатнашиш йўли орқали ҳал этила бошлаган. Мазкур йўналишдаги кейинги босқичда архив иши соҳасида давлатлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзолаш, жойларга бориб хорижий архивлар фаолияти билан танишиш, республика архив тизимини модернизациялаштириш бўйича халқаро илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш жорий этила бошланди.

Масалан, 2003 йил 21 майда «Ўзбошархив» бошқармаси ва Россия Федерал архив хизмати билан, шу йилнинг 6 июлида эса «Ўзбошархив» ва Америка мемориал кенгаши «Холокост» ва унинг Вашингтондаги музейи билан ҳамкорлик битимлари имзоланган⁵⁴. 2008-2009 йилларда Греция, Миср, Жанубий Корея ва Туркия ҳукуматлари билан архив иши соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандумлар имзоланган.

2009 йил 27-28 майда Жазоирда бўлиб ўтган Халқаро Архивлар Кенгашининг навбатдаги мажлиси қарори асосида «Ўзархив» агентлиги унинг таркибига «А» категорияси бўйича киритилди⁵⁵. Бу йўл орқали республика

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 2003. – № 31. – Б.12-18.

⁵⁵ ХАКда аъзоликнинг 5 та категорияси тасдиқланган: А – миллий архив иши бошқармалари ва миллий архивлар, федератив мамлакатлардан бошқарув органлари ёки миллий архивлар кириш ҳуқуқига эга. ХАК уставига кўра бир мамлакатдан аъзолар сони чекланмаган. В категорияси – миллий ассоциациялар ва архивчилар жамиятлари; С – бошқа архив муассасалари; D – индивидуал аъзолар; Е – фахрий аъзолар.

архивчиларининг кенгашнинг Евроосиё бўлинмаси ишларида расмий иштирок этиш учун мавжуд бўлган тўсиқлар бартараф этилди⁵⁶.

Ўзбекистон архив муассасалари томонидан охириги йиллар ичида етакчи илмий-тадқиқот ва таълим марказлари билан ҳамкорликда архив ишини янада такомиллаштириш учун халқаро лойиҳалар ишлаб чиқиш амалиётини жорий этиш йўлга қўйилди. 2008 йил 21 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда Корея Республикаси ҳукуматининг маблағларини жалб этган ҳолда уларни техник модернизациялаштириш тўғрисида»ги қарори бўйича архив бинолари тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланди.

2010-2013 йилларда илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳамда Мартин Лютер университети қошидаги Шарқшунослик институти (Германия) билан ҳамкорликда «*The Archives Talk: Writing the Social History of Pre-Soviet Central Asia*» [Архивлар овози: совет давригача бўлган Ўрта Осиё ижтимоий тарихдан очерклар] мавзусидаги халқаро илмий-тадқиқот лойиҳасида қатнашиб, замон талабларига жавоб берувчи ёш шарқшуносларни тайёрлаш, янги йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш ва ноёб архив ҳужжатларини рақамлаштириш бўйича замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларини амалга оширди.

2016 йил августда “Ўзархив” агентлиги Корея Миллий архиви билан ўзаро тажриба, мутахассислар ва ҳужжатли ахборот алмашиш масалаларини қамраб олган идоралараро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади. Унга асосан, 2016 йилнинг сентябрида республикадан учта мутахассис Халқаро архивлар кенгаши ташаббуси билан Сеулда ташкил этилган архивчиларнинг Халқаро Конгрессида иштирок этди.

Умуман олганда, халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши республикамиз архивлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жалб этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, архив ҳужжатларини рақамли асосларга ўтказиш ва реставрация қилиш техникалари билан жиҳозлашга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, архив ходимларининг илмий-амалий мақсадларда малака оширишлари нафақат ходимлар салоҳиятини кучайтиришга, балки соҳани янада сифатли ва янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга имкон яратмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари таҳлили ва тадқиқи қуйидаги хулосаларга асос бўлди:

1. Ўзбекистон ҳудудида давлат ва жамиятнинг тарихий ривожланиш босқичларини акс эттирувчи манбалар, маълумотларни жамлаш минтақада илк давлатчилик ва ёзув маданияти юзага келган даврлардан бошланган. Дастлаб

⁵⁶ХАК таркибида 11 та ҳудудий бўлинмалар ва 9 та секциялар фаолият кўрсатади. Унинг Евроосиё бўлинмаси 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, таркибига Шарқий Европа ва Осиё архивлари, асосан МДХ мамлакатлари ва Монголия вакиллари киритилган.

ҳукмдорлар саройлари, йирик кўрғонлар ёки қалъаларда сақланган ёзма ҳужжатларни юритиш ва сақлаш вазифаси махсус белгиланган мансабдор шахслар зиммасига юклатилган.

2. XIX аср охиридан бошлаб минтақада ўрнатилган мустамлака тузум шароитида Туркистон ўлкасида ноанъанавий, яъни мустабид ҳукуматнинг янги шаклдаги идоравий архивлари юзага келди. Ҳукмрон тузум маъмуриятининг фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар учун махсус сақловхоналар ташкил этилиб, уларда мустамлака идораларнинг расмий ёзишмалари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли масалалари билан боғлиқ ҳужжатлар изчил тўпланиб борди.

3. Совет даврида мустамлака давридан мерос бўлиб қолган архив ҳужжатларини сақлаш ва янги тузумга оид расмий ҳужжатларни тўплаб боришда моҳиятан катта ўзгариш бўлмади. Бу даврда ҳам асосан совет идоралари фаолияти билан боғлиқ расмий ёзишмалар, жорий ҳужжатларни сақлашга урғу берилди. Йил сайин кенгайиб борган расмий ҳужжатлардан махсус жамғармалар шаклланиб, тизимлашиб борди ва архивларнинг махсус бошқарув органи тузилиб, ҳужжатларни тартибга солиш, ҳуқуқий-меъёрий асосларни шакллантириш ишлари амалга оширилди. Аммо бу жараёнларда архивларни тўғридан-тўғри марказга бўйсундирилиши, уларни молиялаштиришда қолдиқ тамойилига амал қилиниши, маъмурий-буйруқбозлик тизими, тарихий ҳужжатларни ҳукмрон мафкура ва тузум манфаатларига мослаштириб, бир ёқлама ёндашув асосида тўплаш, ҳаққоний аҳволни ёритувчи маълумотларнинг махфийлик грифи остида ёпиқ сақланиши, моддий техника базасининг сустлиги ва кадрлар етишмовчилиги архивлар фаолиятини ривожлантиришда жиддий муаммо бўлди.

4. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритилиши билан мамлакатда бошланган туб ислохотлар жараёнида архив ишини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган дастурлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, илк бор “Архивлар тўғрисида”ги махсус Қонун ҳамда Миллий архив фондини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Архивларнинг моддий техника базаси янгиланиб, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш асосида модернизация жараёнлари амалга оширилди. Мустақиллик берган кенг имкониятлар шароитида жаҳоннинг турли хил архив муассасалари ва ташкилотлар билан давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди ва халқаро тажриба амалиётини ўрганиш, соҳа мутахассислари ўртасида касбий алоқаларни ўрнатиш, ўзаро ҳамкорлик шартномалари доирасида иш олиб бориш йўлга қўйилди. Натижада республикада замонавий архив ишини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш борасида самарали натижаларга эришилди.

Архив ишини ривожлантириш истиқболлари (долзарб муаммолар ва амалий тавсиялар).

Мустақиллик йилларида республика архив ишида эришилган ютуқларга қарамасдан, тадқиқот натижалари асосида соҳада ўз ечимини кутаётган қатор

долзарб муаммолар мавжудлиги аниқланиб, уларни ҳал этиш борасида куйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

архив ишига доир бир қанча ҳукумат қарорлари қабул қилинишига қарамай, амалда ташкилотларда архивлаштириш ишларига етарли эътибор берилмаётганлиги, давлат архивларига ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли топширилмаслиги натижасида энг янги тарихни акс эттирувчи архив фондлари тўлиқ шаклланмаётганлиги кузатилмоқда. Мазкур масаланинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси “Архив иши тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида белгиланган Миллий архив фонди ҳужжатларини ташкилотларда вақтинчалик сақлаш муддатларини қисқартириш, идоравий архивлардаги штат бирликларини кўпайтириш ҳамда уларга олий маълумотли малакали мутахассисларни жалб этиш ва архивчиларни моддий рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади;

истиқлол йилларида архивларнинг моддий-техник таъминотини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари асосида бир қатор архив бинолари реконструкция қилинди, 20 дан ортиқ янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунга қарамай, аксарият давлат архивларида ҳужжатларни сақлаш учун зарурий ҳарорат ва намлик меъёрларига риоя этилмаслиги, архив сақловхоналари замонавий жиҳозланмаганлиги, архив ҳужжатларини реставрация қилиш, ҳисобга олиш, қидириб топиш ва назорат қилиш бўйича янги технологиялар жорий этилмаганлиги каби ҳолатлар мавжуд бўлиб, мазкур муаммони ечими сифатида архивлар фаолиятини молиялаштириш ҳажмини нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки хорижий инвестициаларни жалб этиш ёрдамида ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондиди ҳужжатлар билан бойитиш, тарихий ёзма меросни тиклаш, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Россия каби давлатларнинг Ўзбекистон тарихига оид архив фондларида сақланаётган ҳужжатлардан нусха кўчириб олиб келиш ишлари тўхтаб қолди. Шу нуқтаи назардан, турли тарихий даврларда республикамиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган, дунё архивларида сақланаётган архив ҳужжатларини аниқлаш ва уларни қайтариб олиб келиш бўйича фаолият юритган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Махсус комиссия фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш лозим;

архивлар фаолиятида аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивларини давлат таъсаруфига ўтказиш, уларни зарурий бино ва техник жиҳозлар билан таъминлаш, давлат архивларида сақланаётган шахсий таркиб ҳужжатларини уларга топшириш мақсадга мувофиқдир, зеро бу марказлашган ҳолда фуқароларнинг сўровларини бажариш имконини яратади;

тарих фани ва архив иши интеграцияси масалалари бугунги кун долзарб муаммоларидан бири эканлигини назарда тутиб, тарихий тадқиқотларнинг асосий манбавий базаси саналган архивларнинг ички фаолияти ва муаммолари, архив ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни ҳақида тадқиқотчиларга маълумот берувчи йўлқўрсаткичлар, каталоглар чоп этишда ўзаро ҳамкорлик ишларини жонлантириш, давлат архивлари илмий тадқиқот институтлари билан бирга

тадқиқот мавзуларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиши тавсия этилади. Ўзбекистон архивлари ҳужжатларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини қайта кўриб чиқиш, уни янада эркинлаштириш ва тубдан ислоҳ қилишда республика тарихчилар жамиятининг иштирокини фаоллаштириш талаб этилади. Бундай ҳамкорлик умумий муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш, бир-бири билан боғлиқ бўлган икки йўналиш – архивлар ва тарих соҳасидаги илмий муассасалар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади;

таълим ва амалиёт узвий боғлиқлигини таъминлашда, хусусан, замонавий ўқув адабиётларини яратиш, хориж тажрибасини ўқув ва амалий машғулотларга жорий этиш, архивларга битирувчи ёш мутахассисларни жалб этиш ва кадрлар кўнимсизлигини бартараф этиш ишларидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда таълим муассасалари билан ҳамкорликда тегишли мутахассисликлар бўйича дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этиш бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш, малакали кадрларни танлаш ва жойлаштириш ишларини сифат даражасига кўтариш, иккинчи мутахассисликка ўқитиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш зарур;

жаҳондаги етакчи архивларнинг интернет сайтларни яратиш тажрибаси асосида республика давлат архивларининг интерактив хизмат турларини кенгайтириш, жумладан, архив ҳужжатларини рақамлаштириш, архив фондларининг электрон архив рўйхатлари, йўлқўрсаткичлари ва каталогларини яратиш бўйича олиб борилаётган ишларни фаоллаштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 27.06.2017. Tar.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, КООРДИНАЦИОННО-МЕТОДИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ ПО
ВОПРОСАМ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ
ИСТОРИИ, КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ИНСТИТУТ ИСТОРИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИСАКОВА МУХАЁ СРАЖИДИНОВНА

**СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ АРХИВНОГО ДЕЛА
В УЗБЕКИСТАНЕ В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XXI ВВ.**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)
ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент – 2017 год

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2017.1.DSc/Tar41

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице Научного совета (www.tarix.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант: **Зияева Доно Хамидовна**
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Расулов А.Н.**
доктор исторических наук
Хасанов Б.В.
доктор исторических наук
Хайитов Ш.А.
доктор исторических наук

Ведущая организация: Ташкентский государственный педагогический университет им. Низами

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в __ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 27.06.2017. Tar.01.04 при Национальном университете Узбекистана, Координационно-методическом центре по вопросам новейшей истории Узбекистана, Институте истории, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание, 2 этаж, зал заседаний. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz Национальный университет Узбекистана).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за № __). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание).

Автореферат диссертация разослан «__» _____ 2017 года
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2017 года)

А.А.Маврулов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней
д.и.н., профессор

Х.Э.Юнусова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней д.и.н.

С.Б.Шадманова
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней д.и.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В процессе глобализации, происходящей в мире, заметно возрастает значение архивов, являющихся важным звеном интеллектуального потенциала различных государств. Сегодня Международным Советом архивов⁵⁷ проводятся мероприятия, направленные на изучение истории, современной деятельности и передового опыта архивов различных регионов, а также удовлетворение информационной потребности общества и обеспечение сохранности архивных документов. Наряду с этим, в рамках программы ЮНЕСКО⁵⁸ «Память мира» уделяется отдельное внимание выявлению архивов, владеющих уникальным документальным наследием и изучению истории и современного состояния архивного дела с включением их в специальный реестр. Несмотря на это, число исследований в данном направлении незначительно, а отрасль является одной из малоизученных. Это, в свою очередь, диктует необходимость проведения специальных исследований по истории становления и развития архивного дела в регионах.

За годы независимости особое внимание уделяется изучению трехтысячелетней истории государственности Узбекистана на основе первоисточников с новых методологических позиций, в связи с актуальностью этого вопроса, имеющего важное значение в развитии не только исторической науки, но и духовности общества. В этом отношении проведены коренные реформы по дальнейшему развитию архивного дела Узбекистана, с его многовековой историей и ставшего одним из вопросов государственной важности. В частности, кардинально обновлена нормативно-правовая база архивного дела, на основе государственных программ, направленных на улучшение материально-технической базы архивов, построены и сданы в эксплуатацию более 20-ти новых архивохранилищ и реконструированы ряд старых архивных зданий, создана система подготовки и повышения квалификации специалистов. Сегодня новые требования, определенные «Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» диктуют необходимость реализации таких важных задач, как: развитие и совершенствование деятельности архивов, являющихся научно-просветительскими учреждениями; улучшение их материально-технической базы; коренное совершенствование системы работы с обращениями физических и юридических лиц; внедрение современных форм

⁵⁷ Международный Совет архивов (МСА) был образован 9 июня 1948 г. Штаб-квартира находится во Франции. Сегодня, МСА является профессиональной организацией для мирового архивного сообщества, посвященного содействию сохранению, развитию и использованию архивного наследия во всем мире. <https://www.ica.org>.

⁵⁸ Память мира (*Memory of the World*) – программа Организации Объединённых Наций по вопросам образования, науки и культуры (ЮНЕСКО) по защите всемирного документального наследия. Учреждена в 1992 году. В рамках программы с 1997 года ведутся реестры документального наследия (на международном, региональном и национальном уровнях). <http://en.unesco.org/programme/mow>.

предоставления информации; создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику”⁵⁹.

В мировой практике осуществляется ряд целенаправленных научных исследований для обеспечения решения вопросов эффективной организации архивного дела, в частности, уделяется отдельное внимание повышению качества и эффективности государственных услуг архивов; расширению возможности юридических и физических лиц по использованию архивных документов; обеспечение информационной безопасности при получении и распространении информации. Это создаст возможность разработки теоретических и практических рекомендаций, направленных на выявление основ реформирования по обеспечению сохранности и использованию бесценного историко-культурного наследия, а также для дальнейшего совершенствования архивной системы республики.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализации задач, установленных Законом Республики Узбекистан “Об архивном деле” (2010); Постановлением Президента Республики Узбекистан от 21 марта 2012 года №ПП-1730 “О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий, Указом от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Постановлением от 30 июня 2017 года №ПП-3105 “Об организации деятельности Общественного Совета по новейшей истории при Академии наук Республики Узбекистан”; Постановлениями Кабинета Министров от 30 октября 1999 года №482 “Об утверждении нормативных документов по архивному делу”, от 26 августа 2008 года №194 “О дополнительных мерах дальнейшего развития архивного дела в Республике Узбекистан”, от 5 апреля 2012 года №101 “О совершенствовании архивного дела в Республике Узбекистан”, а также другими отраслевыми нормативно-правовыми документами.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, эстетико-художественного воспитания, искусства, материального и нематериального культурного наследия, истории национальной государственности в процессе реформирования и модернизации общества».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации ⁶⁰. Научные исследования, посвященные изучению наследия архивов и их источниковедческой оценке проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, в Institute of Oriental Studies at Martin

⁵⁹Приложение №1. «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947. <http://strategy.regulation.gov.uz>

⁶⁰Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен по: <https://www.iaaw.hu-berlin.de/>; <https://www.apps.carleton.edu/>; <http://www.cambridge-centralasia.org/>; <http://www.igh.ru/>; <http://www.archivistes.org/>; <http://www.archives.go.kr/>; <https://www.vniidad.ru/>; <http://rsuh.ru/iai/> и др.

Luther University (Германия), Centre for Russia and Eurasian Studies at Harvard University (США), Faculty of History of Carlton college (США), Society of American Archivists (США), Association des Archivistes Francais (Франция), National Archive of Korea (Республика Корея), Всероссийском научно-исследовательском институте документоведения и архивного дела (ВНИИДАД, Россия), Историко-архивном институте Российского государственного гуманитарного университета (Россия), а также в Национальном университете Узбекистана и Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

В результате исследований по архивному источниковедению, документоведению, архивоведению были получены следующие научные достижения, в частности: изучена архивная система мира, выявлены древние уникальные архивные документы на арабском, персидском, чагатайском языках и освещена социальная история восточных стран (Institute of Oriental Studies at Martin Luther University, Германия); научно обоснована важность развития архивного источниковедения Центральной Азии, в частности, выявление и популяризация малоизученных документов, хранящихся в государственных и ведомственных архивах, своеобразие внешней и внутренней структуры составления документов (Faculty of History of Carlton college, США); раскрыто негативное влияние советской политики централизации архивного дела, лишившей самостоятельности республиканские архивы и превратившей архивы в “закрытые” учреждения (Centre for Russia and Eurasian Studies at Harvard University, США); разработаны обоснованные теоретические рекомендации по совершенствованию современной системы архивов и развития архивного менеджмента, реформирования архивного законодательства, информатизации архивного дела и подготовки высококвалифицированных кадров, архивной эвристики, этики использования архивных документов (Society of American Archivists, Association des Archivistes Francais, National Archive of Korea, в Всероссийском научно-исследовательском институте документоведения и архивного дела (ВНИИДАД, Россия), в Историко-архивном институте Российского государственного гуманитарного университета (Россия), а также в Национальном университете Узбекистана и Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

В мире проводится ряд исследований по дальнейшему развитию архивного дела, в частности, по следующим приоритетным направлениям: традиция и трансформационные процессы в документоведении, оформлении и практике хранения документов; инновации в комплектовании, обеспечении сохранности и использовании архивных документов; влияние общественно-политических и социально-экономических факторов на культуру хранения документов; выявление роли архивов в жизни общества в контексте историко-культурных процессов.

Степень изученности проблемы. Исследования исторического наследия в области отечественного архивоведения исходя из концептуально-методологических подходов, по проблемно-хронологическому принципу можно разделить на следующие группы:

- 1) публикации колониального периода;

- 2) научные изыскания советского периода;
